ИССИҚ СУВ ХОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

2022 йил 21 " 01 №256 сонли Хива шаҳри

«Хорезм иссиқлик манбаи» ДУК (бундан кейин "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ш. Бобожонов томонидан, Хива туг. ва ноф. мерос технаполи бундан кейин "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ғ. Ғуломов шахсларга томонидан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишдар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" иссиқ сув холидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга, "Истеъмолчи" ка истеъмол қилган иссиқ сув холидаги иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг йиллик умумий қийматга шартномага илова қилинган йиллик ҳисоб варақга асосан Шундан 7993650,0 (етмиш тўққиз миллион тўққиз юз эллик) сўм, бюджет ташкилотлари учун ... сўм, ... сўм, ... сўм ... ҳисобдан.

1.3. Томонлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги «Шартномавий муносабатларни тўлиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6313-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 август 2009 йилдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га мувофиқ амалга оширадилар.

II. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

2.1. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га 202__ йил 01 январ кунидан 202___ йил 31 декабр кунигача бўлган даврда ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат иш катта иссиқлик юкламаси билан иссиқ сув холидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, бунда:

а) технология эҳтиёжлари учун ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал (технологлар ва ишчи-муҳандислар ҳисобидан);

б) иссиқ сув таъминоти учун ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат, (қурилиш жойлаштирилган бўлса, кўрсатилмаса асосан);

в) ҳовлини иситишга ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат, ташқи муҳит ҳарорати -0,8 градС бўлганда, (КМК 2.01.01-94 асосан);

г) вентиляцияга ҳисоб варақда кўрсатилган Гкал/соат, ташқи муҳит ҳарорати -0,8 градС бўлганда, (КМК 2.01.01-94 асосан).

2.2. "Истеъмолчи"га иситиш ва вентиляция учун "Таъминотчи" томонидан берилаётган иссиқлик энергияси миқдори ташқи муҳитнинг ҳарорати ва ҳаракатига, шамол тезлиги ва иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун эса "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилган ва "Таъминотчи" билан келишилган буюртномасининг бир суткалик истеъмол жадвалига асосан белгиланади ва йиғ чизиқлар бўйича бўлишиш 6-иловада кўрсатилган.

2.3. "Таъминотчи" иловада мавсумда узатилаётган тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳарорати иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик ҳатрасида ҳаво қолиниётган ҳарорат жадвалига мувофиқ, бўлишиш даврда ҳарорат жадвалида (+)1,3 фоиз, узатувчи қувурдаги сувнинг босими жадвалда кўрсатилгандан (+)1,5 фоиз четга чиқишига йўл қўймасликни таъминлайди.

Агар мавсумда эса узатилаётган тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳарорати жадвалда кўрсатилгандан (+)1,3 фоизни, узатувчи қувурдаги сувнинг босими (+)1,5 фоиз четга чиқишига йўл қўймасликни таъминлайди.

2.4. "Истеъмолчи" қуйидагларга риоя этади:

а) тармоқ сувни сарфлашнинг ҳисобланган чиқиш миқдори 3-иловада кўрсатилгандан ошмасликга;

б) иссиқлик тармоғидан олинадиган сувнинг энг катта миқдори методик қўлланма асосан «Истеъмолчиларнинг иссиқ сув таъминотидан фойдаланувчи жуҳаларни иссиқ сув узатиш меъёри, иссиқ сувдан фойдаланувчи жуҳаларнинг сони ва ҳисоблар тўғрисида тузилган икки томонлама шартномага асосан. (Агар тармоқ иссиқлиги истеъмолчиларнинг иссиқлик тармоғидан иссиқ сув олиб фойдаланиш лицензия мавжуд бўлсаги. Агар лицензия, «Истеъмолчи»нинг иссиқ сув таъминоти учун ҳисоб-китоб ишлари.)

в) тармоқдан сизиб чиқадиган (йўқотиладиган) сувнинг меъёри «Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун сиқилган, электрэнергия ва сув сарфлари меъёрларини, ҳамда иссиқлик юкламаларини, иссиқлик тармоқларидаги технологик йўқотишларни аниқлашнинг ҳисоблаб чиқиш методикасининг 42-пунктига асосан етказиб берилган иссиқ сувнинг 0,0025 м3 дан кўп бўлмаслиги;

г) қайтиш тармоғидаги сувнинг ўртача суткалик ҳарорати жадвалдаги миқдорга нисбатан 3°Сдан юқори бўлмаслиги. Тармоқдан олинадиган сувнинг энг катта миқдори "Таъминотчи" томонидан ростлагич (регулятор) ёки сурилма конюк ерларида белгиланади. (Элеваторлари тарайтарувчи қурилмаларни алмаштириш "Таъминотчи" билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Элеватор қурилмалари ҳар йили «Таъминотчи» томонидан кўрилган йўриқномага асосан қурилма ўтказилиши ва йўриқнома талабларига тўлиқ жавоб бериши шарт.)

2.5. "Истеъмолчи"нинг қайтиш магистраль тармоғидаги сув босими, маҳаллий пиёзни тўлиқ тўлдирилишини таъминлаши эвазига, акс ҳолда "Истеъмолчи" иссиқлик кирувчи қувурда ростлагич (регулятор) ўрнатади.

III. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.2. "Истеъмолчи"га етказиб берилган иссиқлик энергиясининг миқдори кириш қисмида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. (Агарда «Истеъмолчи»нинг иссиқлик энергия ёки иссиқ сув таъминотига ҳисобга олиш прибори ўрнатилган бўлса, бу ҳолда иссиқ томонлама далолатнома ушбу шартномага илова қилинади. «Истеъмолчи» объектларида иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмаган бўлса, «Иссиқлик энергияси етказиб чиқариш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, иситиш ҳажмларини ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергияси сарфини, шунингдек иссиқлик тармоқларидаги йўқотишларни аниқлашнинг ҳисобий чиқиш методикасига биноан ҳисобланган миқдорларга нисбатан керакли бўлган иссиқлик миқдори бўйича ҳисоб-китоб қилинади.)

3.3. "Таъминотчи"нинг объектларида ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи" томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади. "Ўстандарт" агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида "Таъминотчи"нинг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан "Ўстандарт" агентлигида аттестациядан (прибор комплектда 2 йилда, термометр 1 йилда бир марта) ўтказилади, "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан прибор очиб олинади, таъмирланади, ўрнатилади ва эксплуатация қилинади.

3.4. "Таъминотчи" томонидан хизмат кўрсатилаётган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. "Истеъмолчи"нинг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 кунга учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхатилганда эса ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

"Истеъмолчи" ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугатилгача истеъмол қилинган иссиқлик сувнинг ҳисобидир, бу ҳолда "Таъминотчи" бериладиган ёқилғисини ҳисобдан ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузилади.

3.5. Ҳисобга олиш приборлари бўлмаган чегарасида ўрнатилмаган ҳолларда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлинган чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатилаётган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Иссиқлик энергиясини етказиб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида"га Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари "Истеъмолчи" томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади.

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

"Истеъмолчи" тармоғини унинг бўлинманомаси бўйича тўлдириш авариялар вазиятлар ҳам шу жумлага киради.

"Истеъмолчи"дан қайтарилаётган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) оқсага қайтаётган тармоқ сувини сиқдириш.

3.7. "Таъминотчи"нинг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари учун "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланмайди.

3.8. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари баланс бўйича мансублиги бўлинган чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлинган чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишлари "Истеъмолчи"нинг ҳисобига тегишли бўлади. Агар иссиқ сув "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса иссиқлик энергияси миқдори электр счетчиги (туман коонтонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг кўрсатишлари бўйича аниқланади.

3.10. "Истеъмолчи" ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг 25 санасигача истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисоботни "Таъминотчи"га тақдим этади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, "Таъминотчи" ҳисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, сўт ҳолатдаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади. Мазкур қайта ҳисоб-китоб, кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олинади.

Иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилгандан сўнг "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблагичларнинг кўрсатиши ва ҳамкорлик асосида қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у ушбулар ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг биринчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

"Таъминотчи" истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобни ўрнатилган шакл (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат қўмитасида рўйхатга олинган йўриқнома асосан) бўйича амалга оширади ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб "Истеъмолчи"га топширади.

Шу билан бир вақтда "Таъминотчи" ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақамидан акцептсиз равишда ечиб олишини учун ҳисобот ойига ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган қиймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

"Истеъмолчи" ҳар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий миқдорнинг 15 % (уч беш) фоиз миқдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.11. "Истеъмолчи" томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисобланда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда "Истеъмолчи" бир ҳафта муддатда бу ҳақда "Таъминотчи"га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши "Истеъмолчи"нинг у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловни белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

3.12. Ишлатилган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га 1 Гкал учун Вневот миллий банкнинг ўзи томонидан тасдиқланган деклорацияда тасдиқланган тариф бўйича тўлайди.

3.13. Тўлик етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш ялги "Таъминотчи" экспеччерлик хизматининг оқсаётган дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

"Таъминотчи"нинг айби билан "Истеъмолчи"нинг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинги 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда "Таъминотчи" охирги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган энергияси сарфини текшириш давомида, "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича белгиланган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. "Истеъмолчи"ларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган иссиқ сув ҳарорат жадвалидан паст бўлган тақдирда, иссиқ сув учун тариф бўйича 0,2 фоизлик чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" томонидан тўловлар ҳисоб-китоб ойидан кейинги 30 календарь куни мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юкламасини ўзгартириш "Истеъмолчи"нинг буюртмасига кўра "Таъминотчи" томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;

б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик:

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фоиздан ортиқ (+);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича - 5 фоиздан ортиқ (+);

орқага қайтаётган қувурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишга йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик меъёр сифатида олинади.

в) "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш" қоидалари талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистемалочиларни улаш;

г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари "Таъминотчи"нинг иссиқлик энергияси истеъмолини тўхатиш. Ушбу ҳолда "Таъминотчи" қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "Истеъмолчи" олдида жавоб беради.

4.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"га, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари"га ҳамда "Иссиқликнинг энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га қатъий риоя қилиш;

б) иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тузилган шартномада 2.2 бандида курсатилган истеъмол жадвалига асосан буюртмани тулик кабул килиши, иссиклик энергия учун шартномада белгиланган муддатларда хак тулаш;

в) "Таъминотчи" билан келишмасдан иссиклик энергияси бир соатлик юкламаларнинг шартномавий миқдорини оширмаслик хамда иссиклик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофик иссиклик истеъмоли режимига риоя килиш ва тармок сувининг олинаётган миқдорини оширмаслик;

г) иссиклик истеъмоли режимига нисбатан "Таъминотчи"нинг тескор курсатмаларини бажариш;

д) тармок сувини иссиклик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли харорат кайтариш;

е) иссиклиқдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиклик тармоклари, иссиклиқни хисобга олиш приборлари, кувурлар изоляцияси ва иссиклиқдан фойдаланувчи ускуналарни техник жихатдан соз холатда саклаш;

ж) иссиклик энергияси истеъмолини вактинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ишларини бажариш муддатларини "Таъминотчи" билан келишиш;

з) хисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўкиш учун жумракдар, тўрайтирувчи курилмалар ва арматурани "Таъминотчи"нинг вакили билан биргаликда пломбалаш, ўрнатилган пломбаларнинг сакланишини таъминлаш. Пломбаларни олиш "Таъминотчи"нинг рухсати билан амалга оширишга лозим;

и) "Таъминотчи"нинг вакилларини иссиклик энергиясини хисобга олиш приборларини сутканинг истаган вактида тўсиқсиз кириб кўздан кечиришини таъминлаш;

к) иссиклик энергиясидан ноқонуний ва нерационал равишда фойдаланишларга йўл кўймаслик;

л) иссиклик тармоклари устида иморатлар курилишига, материаллар тахланишига, дарахтлар ўтказилишига йўл кўймаслик;

м) "Таъминотчи" билан келишмасдан иссиклик тармокларини, мухандислик ускуналарини ва курилмаларни кайта жихозлашга йўл кўймаслик;

н) иситиш приборларининг кўшимча секциялари, бериктиш ва боғлаш арматуралари ўрнатилишига ва чиқариб олинишига йўл кўймаслик;

о) иситиш тизимларида иссиклик тармокларидан бошка максадларда фойдаланилишига (иситиш тизимлари ва приборларидан сув оқизилишига) йўл кўймаслик;

п) "Истеъмолчи" "Таъминотчи"нинг балансида турган иссиклик тармокларида, олдиндан келишилган холда амалга оширилаётган таъмирлаш ва курилиш ишларини бажариш учун "Таъминотчи"нинг вакилларини ўз худудига киритиши лозим;

р) барча иссиклиқдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиклик тармокларининг ишчи чизмалари ва паспортларига хамда эксплуатация қилиш йўриқномаларига эга бўлиш;

с) иссиклиқдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиклик тармокларига тайёргарлик курган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқарилаётган махсулот (бажарилаётган ишлар) бирлигига, иссиклик энергияси сарфининг нормаларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш.

4.3. "Таъминотчи"нинг хукуклари.

4.3.1. "Таъминотчи" кўйидаги холларда "Истеъмолчи"ни огохлантириб, унга иссиклик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш хукукига эга:

а) иссиклик энергияси учун тўлов хужжатида белгиланган муддатларда хак тўланмаганда ёки иссиклик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олинадиган тўлов амалга оширилмаганда;

б) субистеъмолчилар, янги иссиклиқдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиклик тармоклари ўзбошимчалик билан уланганда;

в) иссиклиқдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиклик тармоклари "Ўзбекэнергоназорат" ДИ рухсатисиз янги туташтирилганда;

г) иссиклиқдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиклик тармоклари хисобга олиш приборларисиз олдин уланганда;

д) иссиклик юкламаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув сарфининг миқдори "Таъминотчи"нинг розилигисиз оширилганда;

е) иссиклик энергиясидан фойдаланиш шартномаси да белгиланган бир соатда олинадиган тармок сувининг миқдори оширилганда;

ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;

з) "Таъминотчи" вакиллари иссиклик энергиясини хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда.

4.3.2. Ускуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги "Истеъмолчи"ларни улашда ишчи таъминлаш мавжуд бўлмаса "Таъминотчи" "Истеъмолчи"ни олдиндан кўпи хукукига эгадир. "Истеъмолчи"ни иссиклик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тўғрисида огохлантириб иссиклик энергияси етказиб беришда танаффуснинг янги санасини (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огохлантиришдан кейин 5 кун муддатда "Истеъмолчи" иссиклик беришдаги танаффус вактини келишиб олмаса, "Таъмиотчи" уйдек вактни мустакил равишда белгилаш

хукукига эга. Иссиклик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу хакда уйлаб кўйишдан камида 24 соат олдин "Истеъмолчи"ни огохлантирган холда, унинг ишлаш тартиби вактида амалга оширилиши керак.

4.3.3. Аварияни олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш учун "Таъминотчи", уйлаб кўйиш сабабларини дархол маълум килган холда, "Истеъмолчи"га иссиклик энергияси етказиб беришни тўхтатиб кўйиш хукукига эга.

4.4. "Таъмиотчи" кўйидагиларга мажбур:

а) шартномага мувофик "Истеъмолчи"га иссиклик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) "Истеъмолчи"да "Таъминотчи"нинг объектида ўрнатилган иссиклик энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг тўгрилиги бўйича шубха туғиладиган бўлса, "Таъминотчи", белгиланган тартибда, сутканинг истаган вактида "Истеъмолчи" вакилларини иссиклик энергиясини хисобга олиш приборларини кўздан кечиришини таъминлаши лозим;

в) иссиклик тармокларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофик бўлишини таъминлаш, уларнинг:

иссиклик берувчи кувурда сув харорати бўйича - 3 фоиздан ортик (±);

сув босими бўйича

иссиклик берувчи кувурда - 5 фоиздан ортик (±);

орқага кайтадиган кувурда - 20 кПа дан ортик (±) четга чиқишига йўл кўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида хисобга олинади;

г) "Таъмиотчи"нинг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиклик энергияси қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган энергия хажми "Истеъмолчи"нинг вакили иштирокида "Таъминотчи" томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

д) "Истеъмолчи"нинг иссиклик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиклик энергияси параметрларини шартномадаги кўрсаткичларга нисбатан пасайганлиги тўгрисидаги ёзма ариза-ларини 10 кун муддатда кўриб чиқиш;

е) иссиклик тармокларининг сидиравлик хисоб-китобига мувофик "Истеъмолчи"нинг иссиклик берилмаларни учун тўрайтирувчи курилмаларнинг ўлчами (размер сужающего устройства) белгилаб беради.

V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Иссиклик энергияси билан таъминлашда "Таъминотчи"нинг айби билан танаффуслар юз берган такдирда "Таъминотчи" иссиклик таъминотидаги танаффуслар окибатида "Истеъмолчи"га етказилган моддий зарарни коплайди.

Агарда «Истеъмолчи» шартномани 4.2 булими «б» бандини тулик бажармаса, (шартномани олдиндан бекор килиш, буюртма килинган иссиклик энергия таминотини камайтириш ёки 1 (бир) ойдан кўп вакт мобайнида шартномадаги буюртмадан фойдаланилган вақт кечса ва хакозолар) «Таъминотчи»га шу давр мобайнида буюртма килинган иссиклик энергия ва иссиқ сув таъминотининг 10 % (ун) фоиз зарарини коплайди.

5.2. Иссиқ сув холидаги иссиклик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулиқ етказиб берилмаган холларда, "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий сумаси етказиб берилмаган иссиқ сув холидаги иссиклик энергияси бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пенини тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиклик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборган, тўлиқ етказиб бермаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган иссиқ сувнинг сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, конун хужжатларида ёки хужалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, («Таъминотчи» ва "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда иссолик холати келиб чиқишини аниклаш ишлари бажарилиб икки томонлама далолатнома тузилганда) иссиқ сувни истеъмол килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, "Таъминотчи"дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув кийматининг миқдорида жарима ундириб олишга хакидир. Жаримани ундириш тўгрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув сифати лозим даражада эмаслиги тўгрисидаги икки томонлама далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида такдим этилади. Жаримани ундириш тўгрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган холда такдим этилган холларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув холидаги иссиклик энергияси хажми ўз вактида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га тўлаб берилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатининг тугаши, "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи"ни турли кўринишдаги етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун картларнинг тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.6. Иссиқлик истеъмоли объектларининг иссиқлик тармоқларини ҳозирги ва уларга хизмат кўрсатишнинг бўйича жавобгарлик чегаралари "Таъминотчи"ва"Истеъмолчи" ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублигини бўлиниши ва уларни эксплуатация қилиш ҳисобидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади. (1-илова).

5.7. "Таъминотчи" иситиш тизими ёнилғисида сув айланиши ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув ушатилишини бир кувурдан бошқасига ўтказилиш билан боғлиқ бўлган ҳолда тармоқ сувы сифатининг (шаффофлиги, ранги, ҳиди) ёмонлашуви учун жавобгар бўлмайди.

5.8. Иссиқлик энергияси тармоқларига Ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга тажовузлар аралашиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жазо қўлланилгандан кейин янги ҳисоблар зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185[1]-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

VI. ФОРС-МАЖОР

6.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда иссиқ сув ҳолатдаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) "Таъминотчи" ускуналарининг нидан чиқишига сабаб бўлган табиий ҳодисалар: мамлакатларок, бўрон, сув тошқини, эпидемия, ёнғин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудуда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°Сга ва ундан ортиқ вақт бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошқалагич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

б) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (эпидемия, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) сабаби юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатларда;

6.2. "Таъминотчи" тармоқларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки оқибатларини ҳалафсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни зарурий хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мажбур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мажкур шартнома томонлар имзолаган кунидан бошлаб кучга киради ва 1 январ 202__ йилдан, 31 декабр 202___гача амал қилади. Агарда томонлардан бирининг ёзма равишда шартномани бекор қилиш ниятини ёзма равишда тушмаса, шартнома келгуси йилга узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, уларнинг биттаси "Таъминотчи"да, иккинчиси эса "Истеъмолчи"да сақланади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар ўртасидаги юзага келган низолар иқтисодий судида ёки ҳакамлик суди томонидан унинг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига биноан кўриб чиқилади.

IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

а) "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" ўртасида иссиқлик тармоқларининг баланса мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) "Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисидаги ишончнома (2- илова);

в) "Истеъмолчи" объектлари ва иссиқлик юкламалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);

г) "Истеъмолчи" ташки иссиқлик таъминотининг принципиал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак;

д) Иситиш учун ишлатиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали

е) "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи" билан келишилган буюртномаларнинг бир суткалик истеъмол жадвалига асосан белгиланган ва йил чораклари бўйича бўлиниши кўрсаткичлари (6-илова).

X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"ТАЪМИНОТЧИ"	"ИСТЕЪМОЛЧИ"
«Хоразм иссиқлик манбаи» ДУК	Хива туризм ва маданий мерос техникуми
Почта манзили: 220100, Хоразм вилояти	(Истеъмолчи корхона номи)
Урганч шаҳри А.Темур кўчаси 163 уй.	Почта манзили: Хива шаҳар Охунбобаев 1-уй
Ҳисоб рақами: 20210000300313443001	Телефон: 377-82-71.
АТИБ «Ипотека» Урганч шаҳар филиали	Ҳисоб рақами: 10001081033406709250224500 1
Банк коди (МФО) 00579	Банк номи: Марказий банк
СТИР(ИНН) 200408925	Банк коди (МФО): 00014
Электрон манзил: Xorazmissiqlikmanbai@mail.ru	СТИР (ИНН): 204275575
Корхонанинг коди:	Электрон манзил:
1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг коди_____	Ғазначилик х/р 23402000310000001010
2. МХОБТ (ОКЭД) бўйича фаолиятнинг жойи коди_____	Бюджетдан ташқари ҳисоб рақам
3. МШТ (ОКПО) бўйича ташкилот коди_____	Мона Вазирлиги Ғазначилиги
4. ТХШТ (ОКПО) бўйича ташкилотнинг ҳуқуқий шакли коди_____	(Ғазначилик бўлимининг номи)
5. ХХТУ (ОКЭД) бўйича иқтисодиётнинг иш фаолиятининг турлари_____	Имзо Томонлар, ушбу банда кўрсатилган корхонанинг номи, манзили, ҝисоб рақами ва ҳокимлик маълумотлари ўзгаришлар киритилганини ҳамда ўз вақтида хабардор қилишга мажбурдирлар.
Раҳбар_____	Раҳбар_____
Мўҳр ўрни	Мўҳр ўрни

Ҳуқуқшунос хулосаси: Мен «Хоразм иссиқлик манбаи» ДУК ҳуқуқшуноси _____ тарафлар ўртасида 2022 йил «____» _____ № 235 сонли умумий суммасе 79998324 сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ҳуқуқий экспертизасини «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги конуннинг 20-21 моддаларига асосан ўтказдим.

Ҳуқуқий экспертиза қилишда «Фуқаролик кодекси» ва амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга асосландим.

Шартнома «Фуқаролик кодекси» ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб беради. Ушбу шартномани томонлар тузишлари мумкин.

_____ Н.Рахимова

(имзо)

Иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш етказиб бериш шартномасига 1 - иловa

"Истеъмолчи" ва "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги бўйича бўлиниш чегарасини белгилаш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

20___ йил ____ январь ____-сон _____ шаҳар/туман

Биз, қуйида имзо чекувчилар "Таъминотчи" вакили _____ ва "Истеъмолчи" вакили _____ натижа
(корхона номи, фамилия, исми, шарифи)
далолатномани шу ҳақда туздик. "Истеъмолчи" объектларидаги бино ва иншоотларга етказиб берувчи иссиқлик таъминоти тармоқлари ҳисобидан хизмат кўрсатишнинг бўлиниш чегарасидир, бўлиниш чегарасидаги ёпиш арматуралари "Истеъмолчи" тасарруфида бўлиб, унинг ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

Т/р	Объектнинг номлари	Объектнинг мансуб рақами	Жавобгарлик ва хизмат кўрсатишнинг бўлиниш чегараси
	Бино ва иншоотлари	Ҳисоб варақа асосан	Икки томонлама имзоланган схемага асосан

Иссиқлик таъминоти тармоқларига иссиқлик ташувчи йўналишида схемада кўрсатилган чегарагача "Таъминотчи" томонидан хизмат кўрсатилади, ундан кейин эса "Истеъмолчи" томонидан хизмат кўрсатилади ва таъмирланади.

"Таъминотчи"нинг ходими _____ М. Маллуқбоев
(Ф.И.Ш.)

"Истеъмолчи"нинг ходими _____ К. Тошпулатов
(Ф.И.Ш.)

Иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш етказиб бериш шартномасига 2-илова

"Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахси тайинланганлиги тўғрисидаги

ИШОНЧНОМА

20___ йил "____" _____ ____-сон _____ шаҳар/туман

"Истеъмолчи" _____
(корхона номи)
ўзининг 20____ йил "___" _____даги _____-сонли буйруғи билан "Таъминотчи" билан алоқа қилиш ва иссиқлик энергиясини ўлчаш ва ўлчашни ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳалиниш учун ваколатланган масъул шахс этиб _____ни тайинлайди.
(жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.)

Ваколатланган шахс билан алоқа қилиш учун ваколатланган шахснинг манзили ва телефони _____

"Истеъмолчи"нинг раҳбари _____ Ғ. Ғуломов
(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш етказиб бериш шартномасига 3- илова

"Истеъмолчи" объектларо ва истеъмол шоҳобчаларга ўрнатилган жойлари (ёнилғикашлиги) тўғрисида

МАЪЛУМОТНОМА

202__ йил "___" _____ ____-сон _____ шаҳар/туман

"Истеъмолчи" _____
(корхонанинг тўлиқ номи)

т/р	Объектнинг номи ва асосий мақсади	Объектнинг мансуб рақами	Объектнинг иссиқлик ҳисоблагичининг рақами	Юклама, Гкал/соат				Иш соатлар сони			
				Х/к иситиш	Х/к вентиляция	Иссиқ сув таъминоти	Технологик	Шамолатиш ишлари	ИСТ	Технологик	Ташқи ҳажм кв.м
1.	А) истеъмолчи	Ҳисоб варақасида кўрсатилган курсатиш чегарасига асосан									
	Б) субистеъмолчи	Субистеъмолчига асосан «Истеъмолчи»га уланган субистеъмолчи йўқ									

Объектлар сони: **Ҳисоб варақасида барча кўрсатилган объектлар.**
"Истеъмолчи"нинг иссиқлик юкламасини объектнинг қурилиш лойиҳасига мос

"Истеъмолчи"нинг бўлим бошлиғи _____ _____
(Ф.И.Ш.)

"Таъминотчи"нинг ходими _____ Р. Аскаров
(Ф.И.Ш.)

"Истеъмолчи"нинг ходими _____ К. Тошпулатов
(Ф.И.Ш.)

Агар "Истеъмолчи"нинг объектида бир нечта иссиқлик ҳисоблагичи бўлса, уларнинг рўйхати алоҳида-алоҳида, объект бўйича кўрсатилган ҳисобот натижалари билан берилади.

Иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш етказиб бериш шартномасига 4-илова

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича

ҲИСОБОТ

202__ йил _____ ой учун

ҳисоботчидан олинган кун 20____ йил "___" _____

Т/р	Ҳисоблагичларнинг турлари (ҳисоблагич номи, тури, заводдаги рақами)	Тармоқ ва ўлчаш воситаларининг сувнинг сарфини ва	Тармоқ – дан қайтаётган сувнинг сарфини	Тармоқ ва ўлчаш воситаларининг сувнинг ҳароратини Т	Тармоқ – дан қайтаётган сувнинг ҳароратини t	Бирламчи (исходный) сувнинг ҳароратини Т	Ишлатилган Иссиқлик энергияси Гкал	Иссиқ сув таъминоти учун ишлатилган иссиқлик энергияси Гкал	Жами ишлатилган иссиқлик энергияси Гкал
Ҳар ойлик ҳисоботлар ҳисобот берилаётган ўлчагич жойлашган курсатишларга асосан									

"Таъминотчи"нинг ходими _____ Р. Аскаров
(Ф.И.Ш.)

"Истеъмолчи"нинг ходими _____ К. Тошпулатов

Шартномانинг 2.2 бандига 6-илова

"Истеъмолчи" ва "Таъминотчи" билан келишилган бюджетмانинг бир сутканлик истеъмол жадвалига асосан белгиланган ва йил чораклари бўйича ўзгариши кўрсатгичлари

Давр	Иссиклик энергиясининг миқдори Гкал			Жами ўзлаштирилган иссиклик энергиясининг миқдори Гкал	бир сутканлик ўзлаштирилган иссиклик энергиясининг миқдори Гкал
	технологик эҳтиёжлар	иситиш ва иссиқ сувга таъминот учун	иссиқ сув таъминоти		
1	2	3	4	5	6
I чорак	Хисоб китоб варағида тулиқ тулдирилади ва барча курсатгичлар ойлик, кунлик, соатлик иссиклик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан бирғаликда				
Январь					
Февраль					
Март					
II чорак					
Апрель	Хисоб китоб варағида тулиқ тулдирилади ва барча курсатгичлар ойлик, кунлик, соатлик иссиклик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан бирғаликда				
Май					
Июнь					
III чорак					
Июль	Хисоб китоб варағида тулиқ тулдирилади ва барча курсатгичлар ойлик, кунлик, соатлик иссиклик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан бирғаликда				
Август					
Сентябрь					
IV чорак					
Октябрь	Хисоб китоб варағида тулиқ тулдирилади ва барча курсатгичлар ойлик, кунлик, соатлик иссиклик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан бирғаликда				
Ноябрь					
Декабрь					
Жами					

"Истеъмолчи"нинг хокими _____ К. Ганиев

"Таъминотчи"нинг хокими _____ Р. Ачаканов

М.У

URGANCH SHAHAR BO'LIMI

Расчет к договору № 236 **на теплоэнергию и ГВС на 2022 год по бюджетной**

Организация: Туркия ва мадинай мерос техникуми **Район (город): Хива**

Площадь застройки	4342,24	м2	Удельная	0,52	Ванна	0	штук	0,00	Гкал/год
Строительный объем	10827,40	м3	Температ	18	Кухня	0	блюд	0,00	Гкал/год
Газ плита	0	шт	0,00	Гкал/год	Прачечная	0	кг/сутки	0,00	Гкал/год
Посудомойка	0	шт	0,00	Гкал/год	Койка мест дсад	0	к/м	0,00	Гкал/год
Душевая	0	шт	0,00	Гкал/год	Койка мест больниц	0	к/м	0,00	Гкал/год
Кол-во посещ в год-ие	0	посещ	0,00	Гкал/год	Учащихся в школе	0	к-во	0,00	Гкал/год
Расход на гидропромывку									
Газ годовая ЦО	416,54								

Газ (без услуг механизмов и рабочих)

РАСЧЕТ РАСХОДА ТЕПЛОЭНЕРГИИ НА ОТОПЛЕНИЕ ЗДАНИЙ

Годовую потребность теплоэнергии Q(год) определяем в соответствии с методикой расчета тепловых нагрузок и норм расхода топлива для котельных, объединения "Хорезм Нефтегаз газлари" Д.У.К., утвержденной первым заместителем министра Министерства Республики Узбекистан Сидиковым Г.С. от 1995 года, по формуле

$$Q = 1.1 \times V \times q \times \alpha \times (tвн - tр.о.) \times z \times 24 \times 10^{-6} \text{ Гкал/год}$$

где: Q - годовая потребность в тепле(Гкал), 1.1 - коэффициент, учитывающий бесполезные потери в системе отопления внутри здания(СНиП 2.04-91, прил.12)

V - наружный строительный объем здания (м3), q - удельная отопительная характеристика здания - поправочный коэффициент на климатические условия месторасположения объекта(для г.Ургенча = 1, 21), tвн - среднемесячная расчетная температура внутри отапливаемых помещений

tр.о. - средняя температура наружного воздуха за данный расчетный период по КМК 2.01.-94.Для Ургенча tр.о = +0,8р - продолжительность отопительного периода (по Хорезмской области минимальный отопительный период составляет 176 дней для лечебных учреждений, для остальных учреждений - 151 дня. Решением Хокима области этот период может быть увеличен в связи с конкретными климатическими условиями в текущем году.

24 - число часов работы системы отопления в сутки (час.), 10 - перевод Калорий в Гкалории.

Наименование помещения	Коэф потери тепла	Наружний строительный объем здания м.куб	Удел отоп характер	Попр коэф на клим усло	Температура в здании		Кол-во отопительных часов в году		Перевод Ккал на Гкал	Начислено Гкалорий на отопление	Площадь помещения
Здания	1,1	10827,40	0,52	1,21	18	0,8	70	24	1000000	416,54	6064,89
		10827,40								416,54	6064,89

Итого теплоэнергии : 416,54 Гкал

РАСЧЕТ РАСХОДА НА ТЕПЛОЭНЕРГИЮ ЗА ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЕ ОТАПЛИВАЕМЫЕ ДНИ

Часовой расход на теплоэнергии (Ккал/час) определяется по формуле: $Qвн/час = 1.1 \times V \times q \times \alpha \times (tвн - tр.о.)$ Ккал/час

где: tр.о - расчетная наружная температура (для г.Ургенча tр.о =-18). Суточный расход на теплоэнергии (Гкал/сут) определяется по формуле

$$Qсут = Qвн/час \times \frac{(tвн - tр.)}{(tвн + 18tр.)} \times 24 \times 10^{-6}$$

Годовой расход на теплоэнергию (Гкал/год) за дополнительные отопительные дни определяется по следующей формуле

$$Qдоп(год) = Qсут. * D(доп)$$

где D(доп) - дополнительные отопительные дни

Наименование помещения	Коэф потери тепла 1.1	Наружний строительный объем здания м.куб	Удел отоп характер	Попр коэф на клим усло	Температура в здании		Максим часовой расход на тепло Ккал/час	Максим суточн расход на тепло Гкал/сут	Кол-во доп отоп дней	Годов расход за доп отопит дни Гкал/год
Здания	1,1	10827,40	0,52	1,21	18	0,8	247939,03	5,95	0	0,00
0	0,0	0,00	0,00	0,00	0	0,0	0,00	0,00	0	
	0,0	0,00	0,00	0,00	0	0,0	0,00	0,00	0	
							247939,03	5,95	0,00	0,00

Итого: 0,00

Общий годовой расход теплоэнергии на отопление системы:

Qобщ.(год) = Q(год) + Qдоп.(год) = 416,54 + 0 = 416,54

РАСЧЕТ ГКАЛОРИЙ НА ГОРЯЧЕЕ ВОДОСНАБЖЕНИЕ

Потребность в тепловой энергии на нужды горячего водоснабжения на годовой плановый период определяется согласно "Методики", утвержденной Министерством Республики Узбекистан, по формуле: $Q(год) = 1.2 \times q \times m \times [(55-tx.)+(Ho+1,5 \times (55-tн.))] \times 10^{-6}$ Гкал/год

где: 1.2 - норма расхода воды на ГВС в сутки наибольшего водопотребления м/сут, принимаемое по таблице 1,6 согласно методике, q - норма расхода воды на единицу измерения m - кол-во единиц измерения(чел.ГВР, душевых, мест в больнице и т.д.), tх.з.-температура холодной воды зимой-5гр.Ц.т. - температура холодной воды летом-15гр.С

1,5 - коэффициент учитывающий среднечасовой расход воды на ГВС летом по отношению к отопительному сезону 350 - число сутки работы системы горячего водоснабжения в году (15 календарных дней не учитываются в расчете в связи с ремонтом и аварийным ремонтом теплотрассы и котельной)

Ho - продолжительность отопительного периода (сутки)

ГВР	1,2		8	40	50	151	1,5	200	40	1000000	0,00
Итого:											0,00

Общий фактич расход теплоэнер на ГВС (Гкал/год): 0,00

ОПЛАТА ПО МЕСЯЦАМ ГОДА ЗА ОТОПЛЕНИЕ И ГОРЯЧЕЕ ВОДОСНАБЖЕНИЕ

Наименование месяца	Дни месяца	Стоимость 1 Гкал	Отопление			Горячее водоснабжение				К оплате	
			Гкал/час	Гкал/день	Гкал/месяц	Кол-во дней	Гкалорий час	Гкал/день	Гкалорий месяц	Отопление	ГВС
Январь	31	193200	0,247939	5,950537	184,466641	31	0,000	0,000	0,00	35 638 955,03	0,000
Февраль	28	193200	0,247939	5,950537	166,615031	29	0,000	0,000	0,00	32 190 023,90	0,000
Март	11	193200	0,247939	5,950537	62,957000	31	0,000	0,000	0,00	12 171 021,08	0,000
Апрель	0	193200	0,247939	5,950537		30	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Май		193200				31	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Июнь		193200				30	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Июль		193200				31	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Август		193200				31	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Сентябрь		193200				30	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Октябрь	0	193200	0,247939	5,950537	0,000000	31	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Ноябрь	0	193200	0,247939	5,950537	0,000000	30	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Декабрь	0	193200	0,247939	5,950537	0,000000	31	0,000	0,000	0,00	0,00	0,000
Итого	70				414,038675	351	0,000	0,000	0,00	80 000 000,00	0,00

Всего за отопление : 414,08 Гкал/год Начислено за отопление 80 000 000,00 сум/год

Всего за ГВС: 0,00 Гкал/год
Итого: 414,08 Гкал/год

Начислено за ГВС 0,00 сум/год
Всего начислено ЦО+ГВС 80 000 000,00 сум/год

Исполнитель Р.Атаханов Телефон: 2287353

Согласно постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 ноября 2013 года № 300 пункта 19, абзац 2 - поставка тепловой энергии юридическим организациям, не имеющим приборов учета тепловой энергии осуществляется в двух кратном размере тарифа утвержденной Госфинуправлением

Примечание : Согласно пункта 3.4 Настоящего договора начисления за месяц равно Гкал/месяц умножается на тариф утвержденной декларации Госфинуправления. При отсутствии или согласно пункта 3.16 расчеты и оплата ведутся по новой утвержденному тарифу.

Шартномада курсатилган 6-илова

	Исполнительная энергия Гкал			Жами ушланадиган иссиклик энергиясининг миқдори Гкал	Бир кунлик ушланадиган иссиклик энергиясининг миқдори Гкал	Бир соатлик ушланадиган иссиклик энергиясининг миқдори Гкал
	Тарифлаштирилган	Ростланмаган учун	иссик сув тақсимоти			
1-чорак		**414,08**	**0,00**	**414,08**	**17,63**	**0,735**
Январь		184,47	0,00	184,467	5,951	0,248
Февраль		166,62	0,00	166,615	5,951	0,248
Март		62,90	0,00	62,997	5,727	0,239
2-чорак		**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,000**
Апрель		0,00	0,00	0,000	0,000	0,000
Май			0,00	0,000	0,000	0,000
Июнь			0,00	0,000	0,000	0,000
3-чорак		**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,00**	**0,000**
Июль			0,00	0,000	0,000	0,000
Август			0,00	0,000	0,000	0,000
Сентябрь			0,00	0,000	0,000	0,000
4-чорак		**0,00**	**0,00**	**0,00**	**#ДЕЛ/0!**	**#ДЕЛ/0!**
Октябрь		0,00	0,00	0,000	0,000	0,000
Ноябрь		0,00	0,00	0,000	#ДЕЛ/0!	#ДЕЛ/0!
Декабрь		0,00	0,00	0,000	#ДЕЛ/0!	#ДЕЛ/0!
Жами	0,00	414,079	0,000	414,079		

Эслатма: Технологик эхтиёж (зарурлиги) учун сарфланилган Гкал миқдори ва иссиқ-совуқотлар харажатларини ҳисоблаштирилади.Ушбу харажатлар бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома учун берилаётган ҳисоб-фактурага қўшилади.

Истеъмолчи вакили:
Ушбу ҳисоб-китоб варақидан 1 нусха олдим _____ _____ "____" _____ 20___ йил

Телефон: _____